



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 6 декабрь, чоршанба • №94 (11.279) • Эркин нархда сотилади

ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ САРИ

Хабар қилинганидек, 1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг Минскда бўлиб ўтган йиғилишида иштирок этди

Минск саммити МДҲ доирасида айни пайтда долзарб бўлган муаммоларни ечишга бағишлангани билан эътиборлидир. Бу ерда ўтказилган Ҳамдўстликка аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши кун тартибидан Аксилтеррор марказини ташкил этиш, эркин савдо зонасини яратиш, илгари имзоланган, бугунги кунга келиб амал қилиш мuddати ту-гаган ёки унинг янгиси қабул қилинган ҳужжатларни беқор қилиш билан боғлиқ масалалар ўрин олган эди.

Террорчиликка қарши кураш борасидаги барча сай-ҳара-катларни бирлаштириш мақса-дида МДҲнинг махсус маркази фаолиятини йўлга қўйиш Ҳам-дўстлигининг ҳар бир давлати учун ўта муҳим масалалардан биридир. Зеро, террор бугунги кунда шунчалик кенг ва тез тар-қалмоқдаки, унинг олдини олишга бир мамлакат ожиз-лик қилиб қолмоқда. Бундан ташқари, МДҲ ҳудуди террор-чилик ва экстремизмнинг асос-ий ўчоғларидан бири бўлиши Афғонистон билан бевоқиф че-гарадош экани ҳам бу муам-мога жиддий ёндашишни талаб этади. Сўнгги вақтларда МДҲ-нинг баъзи давлатлари учун бу иллат катта хавфга айланган, ҳатто, миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётгани Ак-силтеррор марказини шакллан-тириш давр талаби эканидан далолат бермоқда.

Ҳамдўстликка аъзо давлат-ларнинг Аксилтеррор маркази-ни ташкил этиш тўғрисидаги қарори 2000 йил 21 июнда Москвада бўлиб ўтган саммит-да қабул қилинган эди. Минск учрашувида таъкидланганидек, жорий йилда Ўзбекистоннинг жанубий, Қирғизистоннинг То-жикистон билан чегарадош ҳудудларига террорчи гуруҳлар таҳдид қилгани, шунингдек, Че-ченистонда жангари тўдалар-нинг ҳали янчиб ташланмагани марказ фаолиятининг йўлга қўйилиши нақадар муҳимлиги-ни яна бир бор тасдиқлади. Шу сабабли, Ҳамдўстлик давлатла-ри раҳбарлари мазкур масала-ни имкони борича тезроқ ҳал этиш, марказ ишини такомил-лаштириш зарур эканини ало-ҳида қайд этди. Минскда Ак-силтеррор маркази низоми тас-диқлангани бу борада амалий қадам бўлди. Мазкур низоми марказнинг ҳуқуқий мақоми, асосий мақсад ва вазифалари ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекис-тон томони бу ҳужжатга шун-чаки имзо чекиб қўя қолгани йўқ. У низомига ўз қарашлари ва қўшимчаларини киритиши талаби билан чикиди. Жумладан, мазкур марказ диний экстре-мизмга қарши курашда ҳам иштирок этишини тақдир қил-ди. Зеро, ҳозир террорчилар ўз ниятларини амалга оширишда диндан ниқоб сифатида фой-даланаётгани экстремизмнинг бу кўринишига алоҳида аҳа-ми-ят қаратишни талаб этади.

Ислоҳ Каримовнинг ҳар бир хорижий таърифиди минтақа-вий хавфсизлик масаласига катта эътибор берилади. Минск учрашуви ҳам шундай музока-радан ҳоли бўлмади. Бу ерда Ўзбекистон, Россия ва Тожики-стон Президентлари иштироки-да бўлиб ўтган уч томонлама мулоқотда минтақада хавфсиз-лик ва барқарорлиқни таъмин-лаш муаммоси кўтарилди. Бу муаммони ечишининг Аксилтер-рор маркази фаолияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳам кўп. Таъ-кидлаш жоиз, учрашув Тожики-стон Президенти Имомали Раҳ-моновнинг илтимосига кўра бўлиб ўтди. Буни Ўзбекистон-нинг бевоқифа иштирокисиз минтақада тинчликни таъмин-лаб бўлмағлигига яна бир ишо-

ра, дейиш мумкин. Давлатимиз раҳбари мулоқотда минтақада тинчликни сақлаш борасида Ўзбекистоннинг ўз қараш ва ёндашувларини батафсил баён қилди.

Ислоҳ Каримов Минскда Россия Президенти Владимир Путин билан ҳам алоҳида уч-рашди. Бу мулоқотда томонлар икки томонлама ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, Ўрта Осиёнинг Афғонистон билан чегарадош ҳудудларидаги вазия-т билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. В.Путин Ўзбе-кистон Президенти билан до-имий равишда шахсий алоқада бўлиб туришга илгаридан ке-лишиб олинганини алоҳида таъкидлар экан, мазкур учра-шув ҳам ўша аҳдлашувга бино-ан бўлаётганига эътиборни қаратди. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари Россия Прези-денти билан ҳар бир учрашуви фақат икки мамлакат ўртаси-даги муносабатларни ривож-лантириш ва ўзаро ишончни чу-қурлаштиришгагина эмас, балки турли муаммоларни ечишда ҳам катта аҳамиятга эга экан-ини қайд этди. Мулоқот чоғи-да Президентлар халқаро тер-рорчилик ва диний экстремиз-мга қарши икки томонлама асосда ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда фаол кура-шиш зарурлигига эътибор қаратди. Ислоҳ Каримов мин-тақадаги вазиятга доир ўз қарашларини баён қилди.

Ўзбекистон ва Беларусь ўрта-сида шу кунгача ўтиздан ор-тик ҳужжат имзоланган. Улар ҳаво транспорти, юк ташуш, контрабандага қарши кураш, маданият ва санъат соҳалари-да ҳамкорлик масалаларини қамраб олади. Беларусь Прези-дентининг илтимосига кўра Ислоҳ Каримовнинг Александр Лукашенко билан ўтказган уч-рашувида мавжуд икки томон-лама алоқаларни янада ривож-лантириш хусусида фикр юри-тилди. Президентлар, айниқса, савдо-иқтисодий муносабат-ларга катта эътибор қаратди.

Эркин савдо зонасини таш-кил этиш Минск саммити иш-тирокчилари диққат марказида турган асосий масалалардан бири бўлганлигини алоҳида таъкидламоқ керак. МДҲ дав-лат бошлиқлари кенгаши маз-кур зонани ташкил этишнинг бориши тўғрисидаги ахборот-ни қабул қилди.

Жорий йилнинг январь-сен-тябрь ойларида Ҳамдўстлик давлатларининг ўзаро умумий савдо-сотик ҳажми, МДҲ ста-тистика қўмитасининг дастлаб-ки маълумотларига қараганда, 43 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39 фоиз қўшди. МДҲ мамлакатларининг ўзаро савдо улуши уларнинг умумий ташқи савдоси ҳажми-га нисбатан 28 фоизни ташкил этди. Бу 1999 йилдаги кўрсат-ки билан деярли бир хил де-макдир.

МДҲ ҳудудида эркин савдо зонасини яратиш режасининг амалга оширилиши аравани уч томонга тартаётган балик, оққуш ва қисқичбақа тўғриси-даги масала ўхшайди. Бу ўрин-да Божхона иттифоқида аъзо давлатлар — Россия, Қозоғис-тон, Беларусь, Қирғизистон ва Тожикистоннинг жорий йилда Бишкекда бўлиб ўтган учрашу-ва «Евроосиё иқтисодий ҳам-жамияти» деб аталмиш «янги тўзилмани» ташкил этгани тўғрисида сўз бермоқда. Гап шундаки, бу тўзилманинг ҳам аслида эркин савдо зонасига ўхшашлик жиҳатлари кўп. Би-роқ Евроосиё иқтисодий ҳам-жамиятига аъзо давлатларнинг сайй-ҳаракатлари аслида МДҲ доирасида икки турдаги савдо ҳудудини вужудга келтирадиги, бу эркин савдо зонасини яра-

тишнинг жадаллашувида муай-ян даражада тўқиллик қилиши табиий.

Минск учрашувида томонлар эркин савдо зонасининг ҳуқуқий базасини яратиш, аввало, бу борада давлатлардаги илгари қабул қилинган ҳужжатларнинг кучга киришини таъминловчи ички жараённинг бажарилиши-га боғлиқ эканини алоҳида таъ-кидлади. Эркин савдо зонаси-ни яратиш тўғрисидаги битим (1994 йил 15 апрелда имзолан-ган) ва унинг протоколи (1999 йил 2 апрель) кучга кириши учун зарур бўлган ички жараён Ҳам-дўстлигининг кўпчилиқ давлатла-рида низомида имзоланган. Би-роқ протоколнинг кучга кириши-ни таъминловчи бундай жараён зонанинг энг асосий давлати — Россия Федерацияси, шунинг-дек, Грузияда бажарилмай ке-ляпти. Россиянинг бундай суст-кашлиги, табиийки, зонани яра-тишга катта тўсик бўлиб туриб-ди.

Минскда Ўзбекистон ва Рос-сия муносабатларида муҳим бўлган яна бир ҳужжат имзолан-ди. Бу ҳужжат Ўзбекистон фу-қароларининг Россия ҳудудида, россияликларнинг эса мамлака-тимизда визасиз ҳаракатлани-шини кўзда тутди. Маълумки, Россия Ҳамдўстлигининг баъзи давлатлари билан виза тизими-ни жорий этиш тўғрисида кели-шувлар имзоламоқда. Бу эса азалдан бори-келдиси фаол бўлган мамлакатлар фуқарола-ри учун жиддий қийинчиликлар келтириб чиқариши табиий. Бироқ Ўзбекистон ва Россия ўзаро виза тизими тўғрисида ҳужжат имзолаб, мавжуд ало-қалар ривожига тўсик бўлуви бундай жараённинг олдини олди.

Келаси йил МДҲ ташкил топ-ганига ўн йил тўлади. Ўтган му-қаддасида давомидида тузилмага аъзо давлатлар томонидан юзлаб кўп томонлама ҳужжатлар имзолан-ди. Бироқ бугунга келиб улар-дан баъзиларининг амал қилиш мuddати тугади, ижроси таъмин-ланмади ёки уларни тўлдирув-чи янги шартнома ва битимлар имзоланди. Бундай ҳужжатлар сирасига Ҳамдўстлик давлатла-рининг савдо-иқтисодий ҳам-корлиги соҳасидаги ўзаро му-носабатларини тартибга солиш, МДҲ мамлакатларининг давлат чегаралари ва денгиздаги иқти-содий ҳудудларини қўриқлаш ҳамда МДҲнинг мудофаа маса-лалари бўйича олий органлари-нинг ваколатлари ҳақидаги, МДҲга аъзо давлатлар ўртаси-да стратегик қўллар бўйича би-тимлар қиради. Шу сабабли, Минск учрашувида бу каби ўнлаб ҳужжатни беқор қилишга келишиб олинди.

Сўнгги йилларда МДҲга аъзо айрим давлатларда молиявий қинғирликлар шу даражада кенг тарқалмоқдаки, уларнинг илди-злари баъзан тўғридан-тўғри ўша мамлакатларнинг ҳукумат ид-ораларига бориб тақалмоқда. Бу эса коррупция ва уюшган жи-ноятчиликнинг олдини олишда талай қийинчиликлар туғдира-пти. Россияда молиявий пира-мидаларнинг ўз вақтида қанча-лик урчиганини эслаш кифоя. Жиноий гуруҳлар ноқонуний йўл билан топан маблағларини қонунийлаштиришда деярли қийинчилик сезмаяпти. Бу эса аҳолининг жойларда давлат идораларига бўлган ишончига катта путур етказмоқда. Минск учрашувида кун тартибига қўйилган масалалардан бири айнан шу иллатга қарши кура-шишни кўзда тутди. Мазкур ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, эндиликда иқтисодиёт ривожига катта тўсик бўлиб турган бу муаммони биргаликда ҳал қилиш учун янги имкониятлар очилади.

Анвар КАРИМОВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент-Минск-Тошкент.

8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

НУРАФШОН ЭТМИШ

*Бахтимиз Қомуси нурафшон этмиш,
Бир сўзи ўзбегим истиқлолини.
Бамисли қуёшдек қароғон этмиш,
Сарбаланд юртимнинг шон-иқболини.*

*Элу-златларга эзулик йўлдош,
Ору-умидларга барқамол инсон.
Фахрлансак арзир азиз ватандош,
Кекса-ёш ғурури — жон Ўзбекистон.*

*Жаҳон пештоқиди номинг улугвор,
Ватан, доғруғинги айлай намойиш:
Мадҳиянг садоси авжбор, жарангдор,
Еру осмон узра берар оройиш.*

*Эркин нафас олиб, эртани ўйлаб,
Тонни қаршилайман — саодатим ёр.
Замину замоним олқилаб, қўйлаб,
Мўтабар ҳаётим мудом барқарор.*

Абдуқодир ҚАЮМОВ.

ХАЛҚНИНГ САОДАТИНИ ЖАМЛАГАН ҚОМУС

ДАВЛАТИМИЗ мустақиллигининг асосий белгиларидан бири бўлиши Конституциямиз қабул қилинган тантанали кунни бу йил саккизинчи марта нишонламоқдамиз. Бу муҳим ҳужжат ҳар томонлама пухта ва мукаммал ишлаб чиқилгани боис Ватанимиз порлоқ келажақ сари да-дил одимлаётган. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни ҳам тобора мустақамланиб бораётган.

1992 йил 8-декабрь куни ўзбек миллий давлатчилиги, ўзбек хал-қи ҳаётида унитилмас воқеа со-дир бўлди. Тарихда илк бор эли-миз ўз хоҳиш-иродаси билан яратган, халқимиз руҳияти, маъ-навияти ҳамда маданияти акс этган асосий қомусимиз қабул қилинди. Бу ҳақда юртбошимиз: «... ҳар қандай жамият келажақ-ни кўзлаб яшайди ва унинг пой-деворини имкон қадар мустақ-камроқ қуришга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз, жамиятимиз эриш-қан буюк ютуқ — Ўзбекистон Рес-публикасининг Конституцияси бўлди», деган эдилар.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилиниши — ўзбек давлатчилиги тараққиёти тарихидаги бекиёс воқеадир. Чунки, у дунё харита-сида янги мустақил давлат пай-до бўлганлигини олий юридик кучга эга бўлган қонун даража-сида мустақамлади. Айнан шу Қонун орқали халқимизнинг янги демократик ҳуқуқий давлат қураётганлиги дунё халқларига намён бўлди. Шунинг учун ҳам бу улуг сананинг бутун респуб-ликаимизда қутлуг байрам сифа-тида кенг нишонланиши ўзига хос тарихий ва сиёсий аҳамият-га эгадир.

Маълумки, Конституция энг биринчи навбатда ҳар бир дав-

латнинг кўзгуи хисобланади. Жа-миятда фуқароларнинг эркинлик-лари, ҳуқуқ ва бурчлари, давлат томонидан чиқарилган қонунлар устиворлигидан кенг фойдаланиш кафолатларининг қай даражада эканлиги, энг аввало мана шу кўзгуда акс этган. Шу нуқтаи на-зардан қарайдиган бўлсак, алоҳи-да фахрланishi туйғулари билан таъкидлаш мумкинки, Ватанимиз-нинг Мустақиллик Декларацияси асос қилиб олинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақиқий демократияга, инсон оми-ли ва бaxт-саодатига кенг йўл очади. У собиқ шўро тузуми дав-рида мавжуд бўлган Конституция-дан бутунлай фарқ қиладиган янги Асосий Қонундир. Жаҳондаги хал-қаро нуфузга эга бўлган йирик мутахассислар, тажрибали ҳуқуқшунослар ва энг муҳими умумхалқ муҳокамасидан муваф-фақиятли ўтганлигининг ўзи ҳам унинг ижтимоий адолат таъмин-лари кенг қарор топган катта маж-муа эканлигидан далолат беради. Бу эзгулик сари одимлаётган, ўзи-нинг буюк келажагини қураётган ёш мустақил давлатимиз ҳаётида янада ёрқинроқ акс этмоқда.

Ўзбекистонимиз мустақиллиги-ни ҳозирга қадар 160дан зиёд дав-латлар тан олди. Жуда кўплаб чет мамлакатлар билан сиёсий, ижти-моий ҳамда иқтисодий ҳамкорлик **(Давоми 2-бётда).**

Вилоят ҳокимлигида

ҲАЖ ЗИЁРАТИГА ҲОЗИРЛИК

Республикаимизда фуқароларнинг муборак Ҳаж зиёратига боришлари учун кенг имконият ва имтиёз-лар яратиб берилмоқда. Кунги кеча матбуотда эълон қилинган республика ҳукуматининг «Муборак Ҳаж зиёратига боровчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарори бунга яққол мисолдир.

Унда фуқароларимиз-нинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак Ҳаж амаллари-ни адо этишда қулайлик яратишга давлат томо-нидан ёрдам кўрсатиш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланган. Айниқса, мўмин мусул-монларнинг Ҳаж сафа-рига бориб келишлари учун 1,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблаг имтиёзли-воситачилик ҳақи ол-ман ҳолда алмаштириб берилиши катта аҳа-ми-ятга эга.

Вилоят ҳокимлигида 2001 йилда вилоятда Ҳаж зиёратини ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган йиғилишда ана шу масала муҳока-ма этилди. Унда вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлим, бошқармалар бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимларининг муовинлари, имом-хатиблар, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармала-ри раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят

ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимберди-ев бошқарди.

Йиғилишда вилоят ҳудудидан Ҳаж зиёрати-га боровчилар учун қарорда белгилаб берилган имтиёзлардан унумли фойдаланишлар-ига шариот яратиш, Ҳаж мавсумини уюшқоқ-лик билан ўтказиш, фуқароларнинг аризалари-ни ўз вақтида қўриб чиқиш ва расмийлашти-ришда кўмаклашиш юзасидан фикр-мулоҳа-залар билдирилди. Бу борада тегишли идора-ларга аниқ вазифалар юкланди.

Шунингдек, йиғилиш-да жойларда янги йил арча байрамларини ўтказиш билан боғлиқ масала ҳам муҳокама этилди. Ҳокимликлар, тегишли бўлим, бош-қармалар, идора, таш-килот, корхона ва ҳўжаликларга ўз ҳудуд-ларида болаларнинг янги йил арча байрам-ларини юксак савияда ўтказишларини таъмин-лаш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

ОМБУДСМАН . ВА ЁШЛАР

Тошкент Аграр университети мажлислар залида «Омбудсман ва ёшлар» мавзусига бағишланган йиғи-лиш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажли-сининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудс-ман) Сайёра Рашидова сўзга чикиди.

Нотик ёшларга Омбудс-ман ва унинг иш фаоли-яти ҳақида тушунтириш бериш билан бирга тала-баларнинг бу борадаги

билимларини ҳам синаб кўрди. Шундан кейин, у талабаларнинг кун тарти-бига оид кўплаб саволла-ман) Сайёра Рашидова сўзга чикиди.

Ийғилишда Тошкент вилояти ҳокимининг муо-вини, хотин-қизлар қўми-таси раиси Сайёра Ҳўжа-ева сўзга чикиди.

Ўз мухбиримиз.

ЎКСИМАСИН КЎНГЛИНГИЗ ҲЕЧ ҲАМ

Чирчиқ шаҳрида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан халқаро ногиронлар кунига атаб катта тадбир ўтказилди.

Унга вилоятнинг Тошкент, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Қибрай ва Бўстонлиқ туман-ларида яшовчи юзга яқин ногирон болалар тақдир этилдилар.

Вилоят ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар қўми-таси раиси Сайёра Ҳўжаева тадбирни очар экан, муста-қил давлатимиз ногирон, мажруҳ қўнғилларни ҳеч қачон ўқситиб қўймаслиги-ни, улар доимо Ватан баг-рида, халқимиз гамхўрлиги-да ўсиб улғайишлари, юрт-га муносиб фарзандлар бўлиб етишишлари учун ҳамма нарсга муҳайе экан-лиги ҳақида сўзлади.

Шундан сўнг, «Экосан», «Соғлом авлод учун», «Бо-лалар», «Наврўз», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда «Қи-зил ярим ой» жамияти ви-лоят бўлимлари, янги таш-кил этилган «Умр» фалаж болаларни даволаш ташки-лоти томонидан болачон-ларга совғалар тақдим этилди. Улар учун катта тўқин дастурхон ёзилди. Икки ногирон болага эса, вилоят ҳокимлиги томони-дан махсус аравачалар топ-ширилди. Чирчиқ шаҳар ма-даният уйи соҳнада ва хо-надалари эса, янги куй ва қўшиқлари билан йиғилган-ларни хушнуд этди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Шу йил 5 декабрь куни иккинчи қақриқ халқ де-путатлари Қибрай тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Мирзамашар Раззоқович Кўчмев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифа-сидан озод қилинди.

Илгари Қибрай тумани ҳокимининг ўринбосари бўлиб ишлаб келган Саидхўжа Шарифхўжаевич Тош-хўжаев туман ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирза-кулов сўзга чикиди.

Конституция – адолат, ҳақиқат, истиқболимиз кўзгуси

ХАЛҚНИНГ САОДАТИНИ ЖАМЛАГАН ҚОМУС

(Давоми.
Боши 1-бетда).

алоқалари ўрнатилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош қароргоҳи пештокида жохон ҳамжамиятига дунёда Ўзбекистондек давлат борлигини намоён этиб, республикамизнинг байроғи хиллаб турибди. Юртимиздаги барқарорлик, халқимизнинг турмуш тарзи янги-янги анъаналарнинг тобора чуқурроқ сингиб бораётганлиги, ижтимоий муносабатларда инсон манфаатларининг биринчи ўринга қўйлаётганлиги, янги ҳуқуқий давлат қонунларига ҳурмат туйғусининг камол топиб бораётганлиги бугун ҳар биримизда гуруҳ ҳиссини уйғотмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Президентимиз бошичилигида давлатимиз Конституциясида белгиланган қоидаларга мос равишда изчил сиёсат юритмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш, ҳусусий мулкчилик шакллари қарор топаётганлиги ва шунинг баробарида фуқароларга қонун бўйича иқтисодий-ҳуқуқий эркинлик берилаётганлиги, асосий Қонунимиз БМТнинг инсон ҳуқуқлари Декларациясига ҳам тўла мос келаётганлигини исботидир.

Конституциямиз омма орасида ҳаётбахш янгиликларни, қонунчилик ва инсон ҳуқуқлари доирасида ўзига хос ўзгаришларни далил олиб кирмоқда. Унда энг аввало, инсон улуғланиди, инсон ҳуқуқлари биринчи ўринга қўйилади, шу асосда унда «Фуқаро – давлат – жамият» ўртасида муносабатлар ўзининг мукамал ифодасини топган. Чунки, бу ерда «халқ Конституция учун эмас, балки Конституция халқ учун яратилади» деган тамойилга тўлиқ амал қилинади. Унинг муқаддимидаёқ ўзбек халқи номидан инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ҳоқариға содиқлик эълон қилинади, халқаро ҳуқуқнинг умумэтирлиги бугун ҳар биримизда гуруҳ ҳиссини уйғотмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Президентимиз бошичилигида давлатимиз Конституциясида белгиланган қоидаларга мос равишда изчил сиёсат юритмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш, ҳусусий мулкчилик шакллари қарор топаётганлиги ва шунинг баробарида фуқароларга қонун бўйича иқтисодий-ҳуқуқий эркинлик берилаётганлиги, асосий Қонунимиз БМТнинг инсон ҳуқуқлари Декларациясига ҳам тўла мос келаётганлигини исботидир.

қандай шаклда аралашинган йўл қўйилмаслиги, ҳатто, жиноят содир этганликда айбланаётган ёки гумон қилинаётган ҳар бир шахснинг иши суд томонидан қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланганга қадар айбдор деб ҳисоблаш чоп этилмоқда. Жумладан, Адлия вазирлиги муассислигида ташкил этилган «Ҳаёт ва қонун» журнали ҳамда «Инсон ва қонун» газетасининг ҳар бири 10 минг нусхада мунтазам чоп этилиб, муштариолар ўртасида обрў-этибор топти. Шунингдек, Прокуратуранинг «Қонун ҳимоясида» журнали, «Хуқуқ» газетаси, Олий суднинг «Қонун номи билан» журнали, «Қуч – адолатда» газетаси, Олий ҳўжалик судининг «Ҳўжалик ва ҳуқуқ» журнали, Ички ишлар вазирлигининг «По-стда» газетаси, «Қалқон» журнали, Қорақалпоғистонда чиқадиған «Одам мен адевет» газетаси каби нашрларни таъкидлаш жоиз. Адлия вазирлигининг «Адолат» нашриёти чиқараётган ҳуқуқий адабиётлари сони 5 миллион нусхадан ошиб

кетди. Ҳуқуқшунос кадрлар тайёрловчи ўқув юрталари фаолиятига, абитуриентлар танловиға катта эътибор берилиб, ўқув юрталарининг моддий-техника базаси яратилмоқда. Мустиқиллигимиз ва унинг Конституцияси берган саодатнинг қадрига етишимиз, юска ҳуқуқий онг ва маданиятга эришиш орқали Ватаннинг порлоқ келажиги биносини қуришға муносиб ҳиссамизни қўшимиз фуқаролик фарзимиздир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси чинакам демократиянинг олий мазмунини тўғри акс этириб, шахс, давлат ва жамият ўртасидаги ҳуқуқий алоқаларни адолатли уйғуналаштирмоқда. Янги ижтимоий муносабатларни мустиқамлаш, уларни одилона ҳуқуқий тартибга солиш ва ривожлантиришнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. У мамлакатда қатъий конституциявий тузумни қарор топтириш, шу асосда мустиқам қонунийлик муҳитини таъминлашға эришиш, демократик-ҳуқуқий давлатчилик ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ишончли гаровидир.

Эргаш ХОЛМАТОВ,
Тошкент вилояти
ҳокимлиги адлия
бошқармаси бошлиғи.

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ



Ўқиш, билим олишни яқин-яқинларгача ўзим учун керак, деб ўйлар эдим. Энди билсам бу фикрим нотўғри экан. Ёшларнинг чуқур, пухта билим олиши дастлаб она-Ватанимиз учун, унинг фаровон эртаси учун зарур экан. Биз Ватан равақи учун

41-модда.
Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.
Мақтаб ишлари давлат назоратидадир.

меҳнат қилибгина ўз бахтимизни яратар эканмиз.

Гоҳида «жамғармалар бунча кўп, санаб саногоға етиб бўлмайди-я», деган гапларни эшитиб қолам. Жамғармалар қанча кўп бўлса шунча яхши.

Ўзингиз тасаввур қилинг. «Олтин мерос», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Нуроний»,

«Амир Темур», «Имом ал-Бухорий», «Устоз», «Умид» каби жамғармаларнинг қайси бири ёшларимизнинг келажигиға берақ қараяпти? Ҳаммаси имкон қадар бизга кўмакчи бўлаяпти-ку!

Бугунги кунда ҳориждаги нуфузли ўқув юрталарида қанчадан қанча тенгдошларим билим олишмоқда. Уларга «Қамолот» ёшлар жамғармаси, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси беминнат ҳомийлик қилмоқда, мадад қилини чўзмоқда. Бу эса ўқимизни, ўрганишимиз, интилишимиз биринчи галдаги вазифамиз эканлигидан далолатдир. Асосий қонунимиз бўлган Конституциямизнинг саҳифаларида бизнинг қанчалар ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлигимизни ўқиганимда Ўзбекистон учун, унинг келажиги учун ҳали кўп билим олишимиз зарурлигини ҳис этаман. Зеро, эртанги кун – ёшларники. Эртанги кунни ёрғ қиладиган, нурафшон этадиган эса – билимимиздир.

Гулбаҳор САТТОРОВА,
Тошкент вилояти педагогика институтининг тарих ва ҳуқуқшунослик бўлими толибаси.

БАЙРАМ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон ёшлари «Қамолот» жамғармаси Юричирлик тумани бўлими ташаббуси билан Янги-Бозор марказий кутубхонасида «Қомусли эл – номусли эл» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда туман марказий кутубхонаси қошида очилган ҳуқуқий ахборот маслаҳатхонаси маркази маслаҳатхонаси София Пирматова, марказий кутубхонаси директори Дилбар Абдукаримова, кутубхона ходимлари Махсуда Аҳмедова, Гулнора Довутбе-

кова, Дилора Абдиева, Дилфуза Эргашевалар сўзга чиқиб, ёшларни бой маънавий меросга, тарихий анъаналарга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, мустиқиллик ҳоқариға садоқат руҳида тарбиялашда Конституциямизнинг аҳамияти беқийс бўлаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Шу кун Конституциямизнинг саккиз илтилоғига бағишлаб тайёрланган китоблар кўргазмаси ҳам очилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

УШАЛГАН ОРЗУЛАР

КОНСТИТУЦИЯ давлатнинг асосий белгиси. У ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори ҳисобланади. Президентимиз айтганларидек, «Конституция – давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир».

ҲОЗИРГИ замон конституционализми икки юз йилдан кўпроқ тарихга эга бўлиб, ўзда тарихан синалган умумбашарий, умуминсоний қадриятларни муҳассам этади. Айни пайтда, ҳар бир давлатнинг Конституцияси ана шу умуминсоний қадриятлар билан бир қаторда миллий тафаккур (менталитет)ни ҳам ўзда акс эттиради. Ўзбекистон Конституциясида энг ривожланган, асосий қонунларида миллатнинг, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ва орзу-умидларини ёрқин ифода этган ҳамда амалдаги оширган давлатларнинг тажрибаларидан ҳам фойдаланилганлиги тўғрисида юқоридаги умуминсонийлик ва миллийлик тамойиллари уйғунашиб кетган. Конституцияларда асосий бўлимлардан бирини ташкил қилган фуқаролик тушунчасининг ўзи ҳам маълум тараққиёт босқичларидан сўнг ҳозирги кўринишга келди. Айни пайтда конституцияларда бу тушунча билан боғлиқ ҳуқуқлар ҳажми ҳам кенгайиб бори. Бугунги кунга келиб, фуқаролик билан боғлиқ ҳуқуқлар, шахсий ҳуқуқлар, сиёсий ҳуқуқлар ва ижтимоий ҳуқуқлар деган бўлимларга ажрати-

ларда аёлларгина эмас, эркекларнинг ҳам кўпчилиги фақат XX аср бошларидагина шундай ҳуқуқни қўлга киритдилар. Европада ҳуқуқий ва сиёсий тенглик учун кураш кетаётган бир пайтда дунёнинг бошқа қитъаларида мустиқамлақчилик, ўзга халқларни бўйсундириш, инсоний ҳуқуқларни чеклаш учун кураш давом этди.

Шу маънода Ўзбекистон Конституцияси фақат давлатнинг асосий қонунига бўлиб қолмасдан, халқимизнинг бир неча авлоди ўз ҳуқуқлари учун олиб борган курашининг натижаси, миллатимизнинг ушлаган орзуси, энг олий ҳоқариға тантанаси ҳамдир.

Ҳозирги замон давлатларининг деярли ҳаммаси миллий бўлганлиги тўғрисида уларнинг Конституциялари ҳам мамлакатдаги асосий миллатнинг ҳусусиятларини, миллий воқеликни ўзда акс эттиради. Конституция фақат давлатнинг асосий қонунига бўлиб қолмасдан, миллатнинг буюқ ҳоқариғини ҳам ўзда ифода этади. Ҳар қандай миллат эса бирлаштирувчи улус келажак сари чорловчи буюқ ҳоқариғисиз миллат бўла олмайд. Бу буюқ ҳоқариғи энг аввало халқнинг ҳаёт тарзида, орзу-интилишларида, дини ва маданиятида намоён бўлади, уларнинг ҳаммаси буюқ ҳоқариғи билан ҳамоҳанг бўлади. Шу ҳоқариғи мамлакатдаги барча халқларни, сиёсий партияларни, гуруҳ ва ҳаракатларни жиқлаштиради, улус мақсадлар сари элтади. Бугунги кунда демократик жамият, фаровон турмуш қура олган барча халқларнинг тарихида ана шу буюқ ҳоқариғи маъжудлиги ҳал қилувчи роль ўйнаган, давлатлар конституцияларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Конституцияси ҳам умуминсоний қадриятлар, ҳам миллий ҳоқариғини уйғуналаштира олган улус ҳуқуқат сифатида эътироф этилди. Уни барчага сингдирган, халқимизнинг яратувчилик қудратини буюқ келажакимизни яратишға сафарбар этиш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиздир.

Шухрат ЭРГАШЕВ,
Тошкент вилоят педагогика институтининг тарих ва ҳуқуқшунослик кафедраси мудири, тарих фанлари номзода.

ҚАДРИМИЗ ЭЪТИРОФИ

39-модда.
Ҳар ким қариғанда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.
Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларнинг миқдори расман белгиланган тартиқчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

«ЁШИЛҚДАГИ иззатдан, қарликдаги меҳнатдан асрасин», дейди доғишмандлар. Шу сабабли ҳам одамлар доим «қариғанда бергин» деб ният қиладилар. Биз

Ўзбекистонда яшаётган пенсионерлар – кексалар «қариликда берган»ларданми. Ўзингиз ўйланг, қайси бир мамлакатда ёши улуглар биздаги каби иззат-икромда?! Президентимиз доим биринчи галда пенсионерларни, боқувчисиз қолганларни, ногирон, меҳнатга лаёқатсиз ватандошларимизни ўйлайдилар. Уларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳақида қайғурадилар. Бу меҳрибонлик, ғамхўрлик тўғрисида бир пилла чоғимизни беташвишгина ичмоқдими.

Ўзим иккинчи гуруҳ уруш

ногирониман. Эллик йилдан бери 2-мактабда муаллимлик қиламан. Ёшим 73га қирган бўлса ҳам «одамларга фойда тегаяпти-ку», деб ғайрат камарини белга боғлаганман. Ахир «меҳнат қилган элда азиз», дейди халқимиз. Меҳнатнинг қадрига турса, Ватанинг ҳар лаҳзада ҳолингдан ҳабар олса, инсоний ҳақ-ҳуқуқини, бурчинини Қомус билан мустиқамлаб қўйган бўлса – бу юрт учун ишламай бўладими ахир? Айниқса, тадбиркорларнинг, фермерларнинг ишлари кундан-кун ривож топиб бораётгани, уларнинг сони кўпаяётгани меҳнат бахт эканлигидан нишона эмасми.

Ҳар гал дарс бошладан аввал ўтган кунлардан жинд мисол келтириб, мустиқил ҳаётимизнинг нузли манзиллари ҳақида сўзлайман. Конституция энг Асосий қонун эркимиз, бахтимиз қонун эканлигини тақдор-тақдор уқтираман. Токи болалар ҳам юртга фидойи бўлиб ўсинлар. Конституциямиз куёвдек фароҳбахш эканлигини билсинлар, унинг ҳар сатрини кўзга суртсинлар.

Самиржон САДИБОВЕВ,
Тошкент тумани.

ВАТАН ИЧРА МЎҖАЗ ВАТАН

105-модда.
Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибиди маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оксоқли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.
Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда вақолат доираси қонун билан белгиланади.

ЎЗИНИ ЎЗИ бошқариш нима? Аввало, мана шу масала ҳусусида: авваллари, яъни ўн-ўн беш йил илгари маҳалла оксоқоллари фаолиятини бир эслайлик. Оксоқолларнинг иши нималардан иборат эди? Тўйни бошқариш, идорани жиқозлаш, идиш-товуққа пул йиғиш... Ҳозирги манзара тамомилан ўзгача. Ҳозирги оксоқоллар ўз маҳалласининг ҳар бир фуқароси, ҳар бир хонадонини учун масъул. Аниқроғи, шу маҳалладаги барча тадбирларга, барча ҳодиса ва воқеаларга жавобгар.

Маҳалланинг ўзига яраша муаммолари мавжуд. Беш бармоқ бир хил бўлмаганидек, инсон ҳам бир хил эмас. Оксоқол-

ларнинг биринчи вазифаси фаоллари билан биргаликда ҳар бир фуқарога юртимизда қонун устуворлигини тушуниришдан иборат бўлмоғи керак. Конституциямизга биноан қабул қилинган Оила кодекси, Жиноят кодексларини модда-модда тарғиб қилиш зарур. Токи бирон-бир одам улардан беҳабар бўлмасин.

Яна бир тақлифим: Конституциямизни, Мадҳиямизни пухта билиш, Байроғимиз, Гербимиз тарбияни ёдда сақлаш, иззат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз экан-

лигини ўқтиришимиз, илож бўлса ёшлар орасида кўрик-танловлар ўтказиш ишлари керак. Шундай қилиш шартки, ҳар бир инсон – (хоҳ ёш, хоҳ кекса) – истиқлолимиз рамзларини яхши билсин, бошқаларни ҳам шунга ундасин. «Қонунга амал қилиш, уни ҳурматлаш – пухта билишдан бошланади» деган экан қадимги рим файласуфларидан бири. Бахтимиз қомуси – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эса барча қонунларнинг онасидир. Ундаги битиклар бизни ана шундай Ватанга муносиб бўлиб яшашга ундайди.

Илҳом ЖЎРАЕВ,
Зангнота туманидаги
Хонобод қишлоқ
фуқаролар йиғини
раиси.



ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

24-модда.
Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

ҲАЁТДА тинч яшаш инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқларидан биридир. Давлатнинг, жамиятнинг бурни, вазифаси мана шу ҳуқуқни қонун воситалари билан кафолатлаб беришдир. Яшаш, яшаганда ҳам тинч, фаровон яшаш ҳар биримизнинг орзумиз. Орзу амалга ошиши учун эса қонунга қатъий амал қилишимиз, яна ҳам аниқроғи қонун устуворлигини таъминлашимиз зарур. Бизнинг вазифамиз тинч меҳнатимиз, ижодкорлигимиз, фидойилигимизни намойиш этиш билан ифодаланади.

Шу йилнинг куз ойла-

рида юртимизнинг жанубий нуқталарида рўй берган воқеаларни бир эсланг. Мен уларни яна бир қарра шарҳлаш ниятида эмасман. Лекин ўша таҳликали дамлар ёдимиздан чиқадими? Куроли кучларимизнинг жонбозликлари тўғрисида босқинчилар, тузимизни ичиб, тузилгимизга туپурмоқчи бўлганлар қириб ташланди. Қўлга олинди. Бир қанчаси эса дарбадар қочиб юрибди.

Қўлга тушганлар, умуман, жиноятчилар устидан ўқилган ҳужум жуда адолатли бўлди. Бу гапларни ёзишдан мақсадим ҳоинлар, босқинчилар қонун олдида жавоб беришди. Жиноятга жазо муқаррар эканига, қонун инсон ҳоқариғи, юрт тинчлигига қасд

қилганларга шафқат этмаслигига яна бир қарра амин бўлдим.

Мен инсоннинг биргина ҳуқуқи – тинч яшаш ҳуқуқи тўғрисида гапирдим, ҳолос. Конституциямизнинг бир қанча моддаларида инсон эркинлигини таъминлаш, виждон эркинлиги, сиёсий ҳуқуқларимиз ойдин қилиб

ёзилган. Шу сабабли ҳам ҳар гал қўлимизга Конституциямизни олганимизда дилим ёришиб, эртанги кунимизга, тинч ҳаётимизга а ишончим ортади. Ҳуқуқларимиз кўзгуси бўлган ушбу Қомусни ҳар қанча эъзоз қилсак оз деб ўйлайман.

Ҳайитбой ДУШАБОВЕВ,
Бўқа туманидаги
«Қўқорол» ширкат
ҳўжалиги бўлим
бошқарувчиси.



«ДЕКАБРЬ — МЕХР-МУРУВВАТ ОЙЛИГИ»

Ангрен шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан декабрь меҳр-мурувват ойлиги деб эълон қилинди. Шу муносабат билан, шаҳардаги «Лола» қаҳвахонасида бир гуруҳ ногиронларга тўқин дастурхон ёзилди. Қўрлаб жамиятига қарашли ишлаб чиқариш комбинатининг юздан ортиқ ишчи-хизматчилари қатнашган хайр-эхсон тадбирида ҳам қатта ош дамланди. Бунга ўтказишга шаҳар директорлар кенгаши ҳимийлик қилди.

9-иктисослашган жисмоний оғир болалар мактабига шаҳар ҳокимлиги телевизор соғма қилди. «Ўзбек-резинатехника» ишлаб чиқариш биричмаси эса, юз минг сўмлик уйинчоқлар ва мактаб қуроллари тақдим этди. Бу хайрли ишда «Белазкүмюр», «Ангрен бозори» очик турдаги акциядорлик жамиятлари, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг шаҳар бўлими, «Ангрен почта», «Ангренсавдо», шаҳар босмахонаси жамоалари ҳам фаол қатнашдилар. Улар кўплаб озиқ-овқатлар, дарслик-дафтарлар тортиқ қилдилар, пул билан ёрдам кўрсатдилар.

Мунаввара ИСОКУЛОВА.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИ ЎЙЛАБ

БЎСТОНЛИК туман ҳокимлиги бағоятга етмаганлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган қонунбузарлик ва жиноятчилик, диний ақидаларастлик ва турли экстремистик оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олиш мақсадида тарғибот ишларини кўчатишмоқда.

АВВАЛГИ ҳафтада Ҳазалкент шаҳридаги 1-, 2-, 3-, 20-ўрта мактаб ва 6-мактаб-интернатда, Ҳазалкент фуқаролар йиғини ҳудуддаги 21-, 22-, 50-умумтаълим мактаблари ва 12-касб-хунара мактабидида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари уюштирилди. Бу ҳафтада эса Бурчмулла, Қораманас, Искандар, Сижмак каби аҳоли истиқомат жойларида ана шундай тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Ўз мухбиримиз.

«КЎП НАРСА ЭРКАКЛАРГА БОҒЛИҚ»

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасида 1 декабрь — халқаро ОИТСга қарши курашиш кўни муносабати билан «Кўп нарсаси эркакларга боғлиқ» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Республика «СПИД» маркази ва вилоятимиз ОИТСга қарши кураш бўлими ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда шаҳар ва туман шифохоналари вакиллари ўзлари тайёрлаган деворий газеталар ва саҳна кўринишлари билан қатнашдилар.

Қамолддин АСҚАРОВ.



ИККИНЧИ БОБ

Бор эди Ҳирот аро битта макон,
Атар эди суиқ барча «Нигористон».
Яшар эди бу масканда Мирак наққош,
Аҳли санъат барчасига эди бош-қош.

Наққошлиқда нам қозонган, эди дондор,
Топган эди мўйқалами хўп эътибор.
Ижод ишқин юрагига солган эди,
Навоийнинг қўлини ҳам олган эди.

Машхур эди Мирак наққош хонадони,
Бу хонадон ўсмирларнинг дилу-жони.
«Нигористон» барчасига азиз эди,
Устоз Мирак сўзлари ҳам лазиз эди.

Болаларга берар эди дил меҳрини,
Ургатарди мўйқаламининг сир-сехрини.
Бор болани қўзатарди устод Мирак,
Зехни ўткир, гап уқарди, жуда тишрак,

Бирок доим юрар эди хомуш бўлиб,
Уинамасди тенгқуларни ила қулиб.
Дил ёришар эди одоб аълоидан,
Исми эди болакайнинг Қамолддин,

Устоз Мирак ўз ёнига чорлаб бир кун,
Разм содди саволларга айлаб тутқун:
«Нечук бўтам, доим хомуш юражаксан,
Якка ўзинг бир чаккада туражаксан?»

Нима бўлди, очгин менга юрагингни.
Берай қурбим етса агар керагингни...»
Болакайнинг эгилди аста боши,
Қўзларига жимма-жимма тўлар ёши:

Ёлғон сўзлаш, устод, менинг зотимда йўқ,
Ота-онам қимлиги ҳам ёдимда йўқ.
Меҳрибонлар эшигиди паноҳ топодим,
Эшитдимку «Нигористон» сари чопдим.

Неча кундир мафтуниман бўёқларнинг,
Ололмайман мўйқаламдан нигоҳларим,
Рухсат этинг этасингиз тутай, устод,
Насиб этса йўлингиздан кетай, устод».

Болакайдан кўнгли тўлиб ирғиди бош,
Орзуингга етгин, деди Мирак наққош,
Аммо бу йўл машаққатли, борлигини —
Бахш этасан, кўтармас дил торлигини.

Меҳнат қилсанг кеча-кундуз фидо бўлиб,
Қамагайсан эътиқоддан жудо бўлиб.
Қамаланиб товланишин бўёқда чиз,
Қайда нур бор-ўшаёққа бур, болам, юз,

Рангини олгин асл наққош кўёшдан сен,
Қолганини ўрган Мирак наққошдан сен».
Одоб билан бошин эди қилиб таъзим,
Ушбу кундан Қамолддин этди жазм.

Шўғалларга чулғиди у мўйқаламини,
Бўёқларда тасвир этиб бу оламни.
Қанча чизса шунча кўнгли тўлмас эди,
Тунни тонгга уламаса бўлмас эди.

Йиллар ўтди, қувалашиб бир-бирини,
Қамолддин англар ижод кўп сирини.
Мирак наққош шоғирдидан мамнун эди.
Суратларин кўриб бир кун шундай деди:

«Қамолддин, этиб қолдинг, сен қамолга,
Чиндан ошқ экансанки ойжамола,
Бу ойжамола тасвир дея аталгайди,
Фидосининг бошига тож қадалгайди.

Меҳнатларим асло зое кетмагайди,
Истеъдодда сенга биров етмагайди.
Беҳзод дея элни ўзга қаратурсан,
Номингни ҳам ишлар оша таратурсан.

Ҳеч унутма: меҳнат қилгил, меҳнат қилгил,
Меҳнатни сен санъат учун қалит билгил.
Шунда ишинг абадиёт касб этгуси,
Шон-шухратинг авлодларга ҳам етгуси.

Кел, ўпайин манглайингдан аё Беҳзод»,
Оқ йўл тилар шоғирдига Мирак устод.
Устозларнинг дуосидир асл оламин,
Устозининг дуосини олгил олдин,

(Боши газетанинг 22 ноябрь сониди).

УЧИНЧИ БОБ

Тўлди бир кун шов-шувларга «Нигористон»:
«Навоийнинг пойқадами етган он,
Бизлар унга таъзим ила, гапнинг нақди,
Чизган ашқол, расмларни этсак тақдим.

Ишимизга баҳо берар ҳазрат ўзи,
Ярлақайди ҳар қадамда айтган сўзи».
Беҳзодни дилида орзу уйғонди,
Ижод ишқин ила вужудни ёнди:

«Ҳазратнинг суратин меҳрла чизай,
Азоеи гулларни нақш ила безай,
Ҳаттоки булбуллар таъзимга келсин,
Ҳазрат кўрган заҳот офарин десин».

Ўтмайди ҳафтаёқ, битади сурат,
Мирак наққош боқар кўзида ҳайрат.
«Нигористон» ҳали кўрмаган бундоқ,
Шаҳду, истеъдоду ҳамда иштиёқ.

Бир тонгда Амирдан хабар келади,
«Нигористон» сари чопар келади.
Ёш-қари интизор боқади йўлга,
Амир таширфидан севинчлар дилади.



Мусаввирнома

Беназир султондир, ғазал мулкига,
Кўрк қўшиб туркий лисон кўрқига,
Ул зотнинг қўлаарин тутмоқлик савоб,
Савобдир изларин айламоқ тавоб.

Қамтаргина Мир Алишер келгани он,
Ёндуларга тўлиб кетди «Нигористон».
Қўзларидан меҳр ёғар, тилида бол,
Барча билан сўрашдилар ҳол-аҳвол.

Худди оға-ини каби аҳил-ҳамдам,
Орадан қўйиб туркий лисон кўрқига,
Барчанинг ишига боқар эди шод,
Офаринлар айтади, алқарди бот-бот.

Юзида табассум жилава қилароқ,
Беҳзоднинг расмига тикилди узоқ:
Алишер гулзорда қомати расо,
Бир қўлига тутган эди у асо.

Бир қўлида тилло тўла бир тобик,
Юзида табассум, очқидир қобик.
Боши узра булбул айлайди чақ-чақ,
Суратда жам эди бир олам фараҳ.

«Қим мусаввир?» савол айлар Алишер.
Тиз чуққанча Беҳзод: «Бу қўлингиз, дер,
Изн сўрмай сиздан қаламни тутдим,
Жаноб Алишерни мен рақам этдим.

Ул жанобки рубарўмда турар, шукр,
Номингизни тақдор-тақдор этдим зикр».
Ҳамроҳларга ўқирди Мир Алишер:
«Қани, бу суратга қимлар нима дер?».

«Ҳазрат, деди Соҳиб Доро, гулга боқсам,
Дасторимга гулзордаги гулдан тақсам.
«Гул-ку майли, деди Саййид, ўпиб изларидан,
Роҳат топсам Навоийнинг сўзларидан».

«Оҳ-ҳо, деди Фасихиддин, фақир нетар,
Боққа кирсам булбуллари чўчиб кетар».
«Одобсизлик, деди Бурхон, қилманг бундоқ,
Йўқса, қаранг, ҳассо бор-а, ейсиз таёқ».

«Мен, дер ҳазрат, бахри-дили очар эдим,
Тиллоларни бошингдан сочар эдим».
Ҳада айлар Беҳзодга у зарбоф чопон,
Ўширди сўнгга устод Мирак томон:

«Йиғитчани тақлиф этинг бир девонга,
Манзур айланг уни тақсир, сиз султонга.
Китобларни кўриб, гўзал безасинлар,
Саҳфаларни ороб бериб, тузасинлар.

Ноёб ахир, бул истеъдод, жуда ноёб,
Норлар ҳали мўйқалами мисли офтоб.
Мусаввирлар аро мумтоз Моний бўлар,
Қамолддин эса, майли, соний бўлар».

Таъзим ила Навоийга эгади бош,
Ҳурмат бажо айлаб устод Мирак наққош.
Ундан кейин Беҳзодни шод қўтладилар,
Унинг учун хонаи хос бутладилар.

Ижод деган уммон аро сузар Беҳзод,
Нозик-нозик манзаралар чизар Беҳзод.
Шундоқ ўтар эди кунлар ижод билан,
Янгиликка чорлагувчи имдод билан.

Чеккан ҳар бир нақшида чин қамол бор,
Атрофи ҳайвонбининг жамоли бор.
Туну кун ортиб борар эди, ҳа, шухрати,
Тилларда достон эди иш, ибрати.

Қимки ўз ишига содиқдир магар,
Албатта ишида бўлажак самар.
Меҳнат шавқи ила қалби тўлади,
Беҳзоддай обрўси осмон бўлади.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Девонхона ичра икки буюк зот,
Сўхбат қулар эди чехралари шод.
«Сўзимни эшитинг, юртнинг обрўси,
Фуқаронинг яхши иши — кўзгуси —

Мир Алишер аста сўзни буради,
Бойқаро ҳайратда қўшин керади-
Хон ҳазрат бор эди сизга бир арзим»,
«Арзингиз бажолаш менингдир фарзим.

Айтнинг, имо қилар султон Хусайн,
Яхшиликни ахир сўзлайсиз тайин».
«Ҳиротда бор эрур битта нодир зот,
Исми мубораги аталур Беҳзод.

Санъат гулшанидин лолалар терур,
Ўш Мирак наққош шоғирди эрур».
«Устоз Мирак, уяр қовоған султон,
Хабар бермакликка топмабди имкон?»

«Онҳазрат, биласиз, Мирак одатин,
Тортинчок, етмаган балки журъати.
Шул сабаб чорласак Беҳзодни бўён,
Зора кўнглингизга хуш келиб султон.

Яна битта юлдуз порлаган они,
Ёришса табаррук Ҳирот осмони».
Бош ирғаб маъқул, дер Хусайн Бойқаро,
Шўйиб ўнлаб, юзлаб тенгшўшлар аро.

Беҳзодни чорлайди тўсатдан девон,
Қўзатади уни аҳли «Нигористон».
Мусаввир саройга қадам босган он,
Юрагиди жиндай ваҳму ҳаяжон.

Истиқболи сари келар Навоий,
Қўзлариди кувонч қулар Навоий.
«Мархабо, эй азиз, инсон, мархабо,
Мунтазирдир сизга султон Бойқаро».

Нозик таъби ила шоири даврон,
Беҳзодни етаклар хосхона томон.
Тахтида ўлтирар кўр тўкиб султон,
Ўрнидан қўзғалур кўргани замон:

«Хуш келдинг, биз сенга мунтазир эдик,
Сени тақдирламоқ ғамин едик.
Дастлаб кўрсат, қани, нечук нодирсен,
Бу наққошлик ичра нега қодирсен?».

Қўлари титрайди мусаввир аста,
Чорчўпга қоғозни тортар оҳиста.
Сўнгга чиза бошлар, қил қалам ила,
Гоҳ хушнуд, гоҳида зил алам ила.

Наққош сарою тахтини чизади,
Гуллар билан ажиб қилиб безади.
«Тахт бўш-ку», қулади кўрган чоқ султон,
Беҳзод таъзим қилар ер ўпиб шу он:

«Муборак юзингиз этмакка тасвир,
Қўлингиз журъати етмайди тақсир».
Султон чехрасига ёйлар қулау,
Қулау бу доимо хуш гапга улау.

«Беҳзод сен саройнинг жавҳари бўлиб,
Ҳазинанинг танҳо гавҳари бўлиб,
Саройда қолурсан, ишларинг бисёр,
Амирини ҳамини тутмоғинг даркор.

Ё насиб, ҳеч қимса сени туртмағай,
Йўлингни бахтсизлик кесиб ўтмағай.
Барча юмушларга ўзинг бўлгил бош,
Фармони олиймиз ҳар ишда қўлош».

Беҳзоднинг қалбига шодлик тўлади,
Бахт доим қутмаган чоқда келади.
Бари Навоийнинг қилмиши, деди,
Ғамхўрлик ул зотнинг қалб иши, деди.

Ҳазратнинг қўлини кўзига суртди,
Пирим деб шоирнинг этагин тутди.
Зум ўтмай ўқилди фармон олийшон,
Қутубхона боши номиса нишон:

«Қўқим қилурмиз... ижод нодирин,
Устоз Қамолддин ишга моҳирин...
Қутубхона ичра ҳар қим бўласа бор,
Қотибу наққош, жавоблаш, ҳалкор,

Бари хунарданда бўлади пеша,
Нодирни қўлгагай Оллоҳ ҳамини».
Хуш хабарни тинглаб тўқади кўз ёш,
Дуолар айлади ул Мирак наққош:

«Шукрим еткурдинг қўққа номимни,
Кўёшга тенг қилдинг мўйқаламимни.
Энди асло ўлмас ишқ, санъат, ижод,
Энди ризодирман, сендан эй, ҳаёт!»

Аҳли мўйқалами Беҳзодим сўяр,
Барининг иззатин жойига қўяр.
Мен энди дуолар айлаб ўтарман,
Беҳзодга равақлар тилаб кетарман».

БЕШИНЧИ БОБ

Ҳайхотдай иморат эмас, ошёна,
Оддийгина хужра, оддий бир хона.
Бир томон тортилган чойшабларни йўқ,
Чой ташиб тургувчи мохтоблари йўқ.

Фақат каттагина курси бор, холос,
Беҳзодга ҳамини интиқдир қоғоз.
Лекин бу хонанинг доғури баланд,
Санъатдан қўлларни этган баҳраманд.

Гиламлар тўшалган катта ўлтириб,
Аччиқ фамила чойни тоба келтириб.
Беҳзоднинг сўхбатин олганлар қанча,
Маҳоратида лол қолганлар қанча.

Ҳатто туякашлар айлаб ихтиёр,
Бу уйни тавоб этган неча бор.
«Охулар»га боқиб ҳаёла чўмган,
Тулпорлар сурати орзуга кўмган —

Қимсаларнинг йўқдир санок, адоси,
Барчаси Беҳзоднинг эрур шайдоси.
Беҳзод-чи хотиржам, муҳасин қутиб,
Ширин сўхбат қўриб, аччиқ чой тутиб.

Яна ўз ишида этарди давом,
Бу уй устахона, худласи қалом.
Деворларда қулар нақши нигорлар,
Ҳаттоки ишда ҳам рангин гулзорлар.

Беҳзоднинг бошидан ўргилиб ҳалак,
Гўёки бу уйда яшар қамалок.
Кечалар юлдузлар ёғилиб келар,
Ёғдуларин сочиб қақнайди улар.

Бари мўйқаламга сеҳр бахш этиб,
Турфа жилваларни унга нақш этиб,
Қоғозда акслар эди батариб,
Саҳарлар ҳориган мижжасин артиб —

Беҳзод уфқларга боқарди маҳзун,
Шунда ечиларди дилдаги туғун.
Чархлай дея унинг дил шуруни,
Кўёш ҳам илк бора сочиб нуруни —

Қулбани мунаввар этарди ҳар тонг,
Ҳар тонгки, ижодга чорлагувчи бонг.
Низомий «Ҳамса»си ичра минг тасвир,
Наққош нигоҳидан ўтарди бир-бир.

«Зафарнома» бағри жангаларга тўлиқ,
Муборак бу китоб яна ҳам улуғ —
Бўларди мусаввир меҳнати ила,
Ҳазрат Амир Темур зийнати ила.

Қиқина хужрада олам бўлган жо,
Бунда турфа ранглар топар ибтидо,
Нозик нақшлар аро бир сўз бор қушод.
Кўрганлар билади: «Амали Беҳзод».

Офтоб салом берган қулбада бахт бор,
Наққош савдати абад бўлади ёр.
Шундоқ эрур бузун шарҳи нотамом,
Беҳзод устод дея кўтаролди ном.

Темур УБАЙДУЛЛО.
(Давоми бор).

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ — ГАЗ

Хурматли фуқаролар!

Иситиш мавсуми бошланди.

Газ асбобларидан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини эслатиб ўтамиз.

Иситиш асбобларини ишга туширишдан олдин мўрилари, вентиляция йўлларининг техник ҳолатини текшириш ва шу ҳақдаги ҳужжатларни турар-жой бўйича шаҳар ва туман газлаштириш идораларига тақдим этиш лозим.

Газ иситиш ёки сув иситиш асбобларини ёқишдан олдин иситиш печининг қузасти дарчаси олдида ёндирилган бовлиқ олиб келинади ва қозон, колонканинг ҳаво тортишини секинлаштирувчи қалпоғи остига

қўйилади.

— Унутманг, мўрилар тўлиб қолган бўлса, газ ёнишидан ҳосил бўлган захарловчи модда хонада тўпланиб, бахтсиз ҳодисага сабаб бўлиши мумкин.

Иситиш қозонлари ишлаётган вақтда тизимдаги сув сатҳини кузатиб туринг.

Иситиш печларининг ортиқча қизиби кетишига ва уларда дарзлар пайдо бўлишига йўл қўйманг.

Сув иситиш ва иситиш қозонлари хавфсизлик автоматикасининг содиргани назорат қилинг.

Ишлаб турган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг, газ бериш ава-

рия туфайли узиб қўйилса, хоналарга газ тўлиб қолиши мумкин.

Газ плитасидан фойдаланишда қуйидагиларга амал қилинг:

— конфоркага таги кенг идишни махсус тагликсиз қўйманг;

— плита устида кир қурутманг;

— газ плиталаридан уйингизни иситиш учун фойдаланманг;

— духовка шкафидан фойдаланишдан олдин уни шамоллатинг. Оловни қайта ёқиш олдида горелка ўчиб қолса, қайта ёқиш олдида духовка шкафини синчиклаб шамоллатинг;

— болалар ва газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига ўргатилмаган кишиларнинг газ асбобларидан

фойдаланишига йўл қўйманг.

Шаҳар ва туман газлаштириш идораларига маълум қилмасдан янги газ асбобларини ўрнатиш ва қайта ўрнатиш ҳамда уларни газ таъминлаш тизимига улаш таъқиқланади.

Газ ҳидини сезсангиз дарҳол газ асбоблари олдидаги жўмрақларни беркитинг, хонани шамоллатинг, электр асбоблари ва очик оловдан фойдаланманг, зудлик билан шаҳар, туман газ авария-диспетчерлик хизматида кўнғироқ қилинг.

Турмушда газдан фойдаланишда хавфсизлик талабларига қатъий риоя этиш уйингизда бахтсиз ҳодисалар бўлишининг олдини олади.

«ТОШВИЛОЯТГАЗ» БОШҚАРМАСИ.

Муборак Рамазон ўғитлари

ЎРИНЛИ ТАНБЕҲ

Қадим-қадим замонда икки қўшни бўлган экан. Улар бир-бирлари билан самимий муносабатда бўлиб, аҳлиноқ яшашар экан. Қўшнilarнинг бири ўта тақводор бўлиб, мол-давлати учун ҳар йили унинг қирқдан бири миқдорда бева-бечораларга закотини берар экан.

Ҳар куни беш вақт намазини қанда қилмас, йилда бир ой сидқидилдан Рамазон рўзасини тутар, ҳар йили рўза кунларининг бирида ота-боболарининг руҳини шод қилиш учун камбағал қўшнilarни тақлиф қилиб, ифторлик ўтказар экан. Бундан ташқари барот ойининг бошида, ўрта-сида ва охирида уч кундан рўза тутар экан.

Унинг қўшниси йилда бир ой бажонудил Рамазон рўзасини тутар, бошқа вақтда намоз ҳам ўқимай, ўз тирикчилиги ўтинчилик билан банд бўлар, қўлига кўпроқ ақча тушган вақтда шароб ичишдан ҳам қайтмас экан. Вақти келганда бирор оятни ўқиб тиловат қилиш уёқда турсин, калимаи шаҳодат айтишни ҳам билмас экан. Кунларнинг

бирида ўтинчининг қазоси етиб, бу дунедан кўз юмибди.

Орадан тўрт-беш йил ўтиб тақводор қўшни ҳам фаний дунедан боқий дунёга рихлат этибди. Тақводор ўтинчини жаннатнинг энг гўзал жойларида қўриб, ажабланган ҳолда сўрабди:

— Сен қайси амалларинг ва ҳислатларинг эвазига жаннатга киришга дахлдор бўлдинг?

— Рўза кунларининг бирида ўғлимни гавжум бозор ўртасида, одамлар орасида овқатланиб турганини кўриб қолдим. Шунда уни «Сен нобакор рўза тутмаганинг тугмаган, одамлар орасида уялмай-нетмай, ҳижолат

бўлмай овқатланиб турибсанми?» деб юзига бир тарсаки урган эдим. Шундан кейин у бир ой тўлиқ рўза тутишни одад қилган эди. Оллоҳ мени шу қилган ишим учун жаннатга киритди. Ўзинг-чи?

— Мен фаний дунёда Яратганининг барча буюрган амалларини бажардим. Лекин мени жаннатга ҳам, дўзахга ҳам киритгани йўқ, аросатда юрибман.

Ҳадиси шарифда Расулulloх саллalloху алайҳи васаллам айтганлар: «Кимки Оллоҳга ишониб, ундан савоб умид қилиб, Рамазон рўзасини тутгайди, собиқ гуноҳлари кечирилгайди».

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

ЎЗБЕК ТИЛИМ - ЎЗ ТИЛИМ

Эсон-омон иккинчи жаҳон урушидан қайтиб келганимдан сўнг, Тошкент вилояти Қорасув райиқроқумига ишга жойлашдим. Аввалига маданият бўлимида ишлаб, бир йил ўтар-ўтмас ижрокўм масъул котиби вазифасини бажара бошладим. Юмушларим шу қадар кўпайиб кетдики, асти кўяверасиз.

Хизмат бурчим тақозоси билан маданий оқартув ишлари, спорт соҳаларини, халқ сайилларини уюштиришга ҳўжалиқлардаги, мактаблардан ёшларни жалб қила бошладим. Бу ташаббусим етмагандек, қарорлар ва бошқа ҳўжатларни ўзбек тилида ёзардим. Қоида бўйича қарор нусхаларини вилоят ижроия кўмитасига юбориш керак эди, юбориб турдим. Бирок, бироз муддатдан сўнг, ўзимни ҳам ўша ерга қақириб қолишди. Вилоятдаги бизнинг қарорларимиз нусхаларини қабул қилувчи кексароқ мулоимгина рус киши ўзбек тилини

яхши билмас экан, шу туфайли у бечора ноилоҳ, ўз каттаси вилоят ижрокўм раисига қириб айтганидан сўнг, галва бошланди. «Нега бундай қилаёсан» деб, мени элак-элак қилишга тушишди. Бириси яхшиликча йўлга солмоқчи бўлса, бошқиси дўх урарди. Баъзилар бунинг тагида бир гап бор, дегандай катта сиёсий тус беришга ҳам уринишди.

Хуллас, менинг масалами райкомда кўришга қарор қилдилар. Юқоридагиларнинг топириғига биноан райком котиби С. Нишонбоев раислигидаги мухокама антиқа ўтди: бюро аъзолари гап

нимадалигини яхши тушунишмасди. Бирлари: «Нима қилибди, ўзбек тилида ёзаверсин» деса, бошқиси «Хамма ёқда рус тилида-ку» деб ўзини билимдон қилиб кўрсатди.

Мен Грузияда бўлган бир дўстимнинг ўзи кўриб, гувоҳи бўлган воқеани айтиб бердим: бир рус мутахассиси иш излаб борганида, уни жуда яхши кутиб олишган, сўнг «грузин тилини билмас экансиз, афсус» деб, ҳўжатларини қайтариб берган эканлар. Хуллас, менга партия жазоси беришиб, иккинчи бундай бўлмасин, дейишди.

Ариза бериб, ишдан бўшадим. Мактабда ўқитувчилик қилиб, русларга ўзбек тилидан дарс бердим. Меҳнатим зоё

кетмади: ўзбек тилида чироили гапирадиган бир корейс қизи ҳамон ёдимда. Кейинроқ у олий маълумотли бўлиб, туманда ишлаб юрганида ҳам, ўзбек тилида гаплашиб, кишиларни ҳайрон қолдирарди. Мен билан учрашганда «Салом алайкум, домлажон» деб кўнглимни тоғдек кўтарарди. Исм шарифи Анна Цой, ҳозирда болачақали. Гоҳида учрашиб қолганимизда, Раҳимжон ака деб, исминини айтиб, «укаларим, синглим Яйрахон соғ-омон юришибдими, салом айтиб қўйинг», дейишлари жуда-жуда ёқиб тушади.

Бугун ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан бер олам қувончга тўламан. Шу кунларга етказганига шўкур.

Раҳимжон
УБАЙДУЛЛАЕВ,
меҳнат фаҳрийси.

Овчи ён дафтарида

ОЧКЎЗЛИК
ПАНД БЕРДИ

Ва бошқа қушлар ҳам бу ерда тўхтаб дам оладилар. Ўз парвозлари давомида озикланадилар. Чунки бу сув ҳавзаси оёсийиш талик минтақаси деб эълон қилинган. Ҳеч ким жони ворларнинг тинчини бузмайди. Уларни давлат нозирлари туну-кун муҳофаза қилади. Ҳаётда эса турли қизиқ ҳодисалар ҳам учраб туради. Айдар-Арна-соёй сув ҳавзаси инспекцияси бошлиғининг ўринбосари Ғофир Бегиев уларга кўп марта шохид бўлган. Яқинда у бизга шундай ҳодисаларнинг бири ҳақида

ва бошқа қушлар ҳам бу ерда тўхтаб дам оладилар. Ўз парвозлари давомида озикланадилар.

Тузкон кўлининг поёйсиз мовий сатҳида, қаминзор ва чангалзорларида паррандалар ва ҳайвонларнинг кўпчилиги турлари ўзларига паноҳ топадилар. Бу ерда бўрсиқлар, туңгизлар учрайди. Соққақушлар, кашкалдоқлар, ўрдақлар ўзгон ўйнайди. Кўлнинг паст жойларида оқ ва қуларанг лйлақлар емиш овлашади. Турналар, ғозлар

қуйдагиларни сўзлаб берди.

— Кўлни хизмат юзасидан назорат қилиб юргандим. Қирғоққа яқин жойда қандайдир қора бир нарсаси, (кўринишидан пўкакка ўхшарди) эътиборимни тортди. У дам пайдо бўлар, дам сувга шўнғирди. Бу нима бўлдикин? Қизиқиб қолдим.

Моторли қайғимда аста яқинлашганимда кўзларимга ишонмай қолдим. Сувда иккита балиқ олишарди. Лаққа балиқ каттагина зогора балиқни ютиб юборишга уринарди. Кўринишдан вази 30 килограмм келадиган ваҳшийнинг қопқонига тушган зогора балиқ эса унинг ҳамласидан чиқиб кетишга уринарди. Лаққа балиқ ўз ўлжасини сув тағига тортиб кетар, бироздан кейин эса яна сув устига қалқиб чиқарди. Лекин, зогора балиқ ҳам бўш келмас эди. Узоқ олишувдан кейин иккала ба-

лик ҳам ҳолдан тойиб ча-лажон бўлиб қолишди. Уларнинг ёнига борганимдан кейингина воқеа тафсилотини тўла тушундим. Лаққа балиқ ўз ўлжасининг думидан ушлаб олган ва уни аста-секин ютишга уринган. Бунга қарши анча бақувват бўлган зогора балиқ (уни кўпинча айёрлиги учун «сув тулкиси» деб ҳам аташади) қаршилиқ кўрсатиб ўзининг юқорида жойлашган сузгичларини ёйиб олади ва унинг аррага ўхшаш ўткир тиглар балиқнинг тепа жағини кесиб ташлаган эди...

Шундай қилиб нозир ҳеч нарсадан ҳеч нарсаси йўқ иккита йирик балиқнинг эгаси бўлиб қолди. Кечқурун касбдошларини балиқлардан тайёрланган ажайиб «хе» таоми ва мазали балиқ шўрва билан сийлади.


Махсуд МАҲМУТОВ.

Бўш вақтларда

БЕШ ЮЗ ОТЛИҚҚА
БОШ БЎЛГАНМИСИЗ?

ЭНИГА: 7. Чақмоқ чақиб, милтиқнинг пилтасини ёндирадиган одам. 8. 500 отлиққа бош бўлган сардор. 10. Чорва молларининг қулғонини кесиб, белги солувчи киши. 11. Кўп йиллик тахир ўсимлик. 13. Ток пояларини боғлаш учун ишлатиладиган тол навдаси. 14. Муслиқ асар тури. 16. Бирор тўданинг бошлиғи. 17. Истеъод, қобилият. 18. Қора денгиз бўйидаги шаҳар ва порт. 19. Халқ кўп йиғиладиган гав-жум ва серфайз жой. 21. Нутқ сўзловчи. 22. Юнон мифологиясидаги ой худоси. 24. Журнал номи. 26. Жанубий Ҳиндистондаги халқ. 28. Яқин ҳамсўхбат. 29. Подачиларнинг меҳмон қилиш одати.

БЎЙИГА: 1. Иброҳим Раҳим романи. 2. Юнон мифологиясида май ва ҳушқачқалиқ худоси. 3. Кичикроқ вилоят. 4. Нақш учун ишлатиладиган қурилиш ашёси. 5. Форс тилининг Афғонистонда кўпроқ тарқалган шеваси. 6. Спек-



Тўзувчи:
Тожили УМАРОВ,
Зангиота тумани.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ
29-НОЯБРЬ СОНИДА
БОШҚОТИРМА
НИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: 2. Падар. 4. Паррандачилик. 7. «Ра». 8. Таборак. 11. Ми. 13. Ирода. 14. Талха. 15. Тароват. 16. Павлов. 18. Оскар. 20. Гумма. 22. Гулбаданбегим. 23. Набий. 25. Иврит. 28. Айрон. 30. Булғори. 31. Тарвқ. 33. Уорма. 35. «Қадрият». 38. Сассик полишак. 40. Андиз.

БЎЙИГА: 1. Адад. 2. Прага. 3. Ручка. 5. Асад. 6. Изма. 7. Ромул. 9. Барас. 10. Равза. 12. Илҳом. 16. Нодон. 17. Валий. 18. Обак. 19. Робот. 20. Гагра. 21. Асвон. 24. Амрад. 26. Валад. 27. Ироқи. 29. Олимп. 32. Ёрма. 34. Юбка. 36. Ақида. 37. Ялпиз. 39. Пода.

ҲАЙИҚИШНИ
БИЛАМИЗМИ?

Баъзан кексалар тилидан «Ҳеч нарсадан ҳайиқмайди-я?», деган иборани эшитиб қоламиз. Бу сўзлар тарбиясиз кишиларга ҳам, одобсиз болаларга ҳам нисбатан қўлланилади.

У жисмонан кўрқиб маъносидан тушунилмайдиган. Балки, андишасиз, уятсиз, виждони суст экан деган маънодаги қоралаш, норозилик билдиришни ифода этади. Чунки одобли одам доимо ўзини туттишда, гап-сўзларини айтишда турли ҳаракатлар қилганда, «атрофдаги одамлар нима дейди, уят қилмайдими?» деган истихолога боради.

Ҳозирги ёшларнинг ичида ҳам ҳайиқиб нима эканлигини билмайдиганлари учраб туради. Ундайлар нафақат катталарни,

бахт, деб тушунадилар. Бундай рўшнолик бошқаларни талаш ҳисобига бўлмаслиги кераклигига эса эътибор қаратмайдилар.

Шуниси ачинарлики, бировни баъзан инсофга чақирсанг, одобга унда-санг устингдан қулувчилар кўпаймоқда. Айримларнинг бундай томонга ўзгариши ҳайиқмаслик натижаси эмасмикан, деб ўйлаб қолсан киши. Энг ачинарлиси, ўқув юртларида ҳам «...барибир қўйиб берасан ўша бахони, ўзинг қўйиб бермасанг бошқасига қўйдириб беришадими, мажбурлашадими, штат қисқариши билан кўрқитишадими...» деган тушунча талаба онгига ўрнашиб бораётганидир. Хатто «Мен диплом учун ўқияман, бу соҳада ишламаман», дегувида пайдо бўлгани ачинарли ҳол. Шунинг натижаси эмасмикан, баъзиларнинг ҳам «ўйиб», ҳам тижорат қилаётгани, бўш вақтини дарс тайёрлаш, билмини оширишга эмас, балки дарсга қатнамаган пайтлари учун ҳам стипендия олиб, шароитдан фойдаланиб пул топишга интилаётгани?! Кўпинча дарс қолдириб ҳам ўқиниш бемалол битириб олиш мумкинлиги ўша «бойвачалик»дан эмасмикан?! На қонун-қоида, на ахлоқ-одоб мезонларини менсимаслик қурури ҳайиқмасликдан эмасмикан?!

Мен жисмоний жиҳатдан кўрқиб эмас, балки руҳий жиҳатдан кўрқиб асосида шаклландиган ҳайиқчи ҳиссини ҳеч бир инсоннинг вуҷудидан соқит бўлишини асло-асло тиламаган бўлардим. Шу ҳис ҳаммамизга доимо ҳамроҳ бўлсин!

Баҳром ТУРСУН.

Мунозара
учун мавзуБир
ёнингил
табассум
ёнингил
овқат

Афанди ёш пайти, янги ишга жойлашган даврлари эди. Бошлиғи қақириб топшириқ берди:

— Ҳўзуримга нозик кишилар келишадиган эмиз, тайёргарлик қўриб қўйинглар. Уларни меҳмон қилмасак бўлмайди! — деди.

Тушлик пайти бошлиқ Афандини қўйиб бошлади: — Хой! Ёсларинг борми, ширғурчини қим тайёрлатди? Ахир ош, қабоб, димлама дегандек... Битта «култамитсини» ҳам эплаб олмадиларинми?!

— Ўзингиз худаям нозик, деганингизга ошни, қабобни қандай қилиб қазм қилишадими, деб енгил овқат тайёрлаб қўя қолдик! — деди Насриддин бошини қақир экан.

Футбол

ёзди. Табиийки, бундай пайтда иккинчи жамоага голиблик ҳамда уч очко берилади.

Шундай қилиб, олтига жамоа иштирок этган ўтиш турнирида 12тадан очко тўпланиб, биринчи ва иккинчи ўринларни олган УМБ «Осиё» ҳамда «Риштон» жамоалари биринчи табақага йўлланмаларни қўлга киритдилар. «Охангарон-С» жамоаси эса сўнгги учрашувда «Қўштепа»га 0:1 ҳисобида ютказиб, тўртинчи ўринни эгаллаб, бинобарин, яна республика чемпионатининг иккинчи табақаси мақомидаги вилоят биринчилигида ўйнайдиган бўлди.

Сиздай қизга ҳеч кўз тегмасин, дейман,

Сиз моҳитобон, Сиз қошлари камон.

Мевали дарактини тош эгмасин, дейман,

Ҳар отган тошлари ёмондан ёмон.

Сиз соҳибжамол, Сиз қошлари камон,

Висол чаманида бўлайлик омон!

Александр АБАЛЬЯН, олган сурат-лавҳа.

Вилоят ИИБ матбуот
маркази хабар қилади

ПОРАМИ, ЙЎҒЕ?!

◆ ОХАНГАРОН туманида масъул лавозимда ишловчи шахс Е. Кузиналар ҳўжатларни қалбақлаштириб 7.944.000 сўмлик цементни талон-тарож қилишган. Бу ҳолат бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

БАДНАФСЛИК
КЎРБОНИ

Чирчиқ шаҳрида маҳалла кўмитасининг котибаси бўлиб ишловчи шахс қисқа вақт давомида ўз хизмат вақолатидан фойдаланиб, ёш болали ва ёрдамга муҳтож оилаларга ажратилган 300.000 сўмлик пулни ўзлаштирганлиги маълум бўлди. Энди у қонун олдида жавоб беради.

МИСФУРУШЛАР ҚЎЛГА
ТУШДИ

Оққўрғон туманида оёсийиш талик посбонларини катта тезликда келатган автоулов ўзига жалб қилди. Шўб-ҳа бежиз эмас экан, текширувда автоуловга юкланган пиз тағида 2 тоннага яқин мис махсулотли борлиги аниқланди. Рангли металл махсулотларидан мўмай даромад ишлаб ололқчи бўлган «мисфурӯш»ларнинг бу гал «ов»лари бароридан келмади.

Рустам ПИРМАТОВ, Мақсуда СУЛТОНОВА, вилоят ИИБ матбуот маркази ходимлари.

ТАРТИББУЗАРЛИК
ҚИММАТГА ТУШДИ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган сонидagi «Охангарон-С» — биринчи табақада» сарлавҳаси остида чоп этилган мақолада Охангарон шаҳрининг ушбу футбол жамоаси ўтиш мусобақаларида кетма-кет уч ўйинда галабага эришиб, охириги учрашув натижасидан қатъий назар, келаси йили республика чемпионатининг биринчи табақасида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритгани ҳақида хабар қилган эдик.

Вилоят футбол федерациясидан бизга берилган ўша маълумотларга мувофиқ учинчи ўйинда «Охангарон-С» жамоаси «Риштон»ни 1:0 ҳисобида енгиб, биринчи табақага чиққан эди.

Афсуски, шу ўйиндан сўнг вазият ўзгача тус олган, яъни «Охангарон-С» жамоасида ўйнаб келган

футболчи Ленур Юнусов бир вақтнинг ўзида «Семург» таркибиди ҳам тўп сурган ва бу билан чемпионат ўйин тартиби қўпол равишда бузилган. Шу боис республика футбол федерацияси амалдаги тартиб-қоидага мувофиқ ушбу ўйиндаги 1:0 ҳисобини бекор қилиб, «Охангарон-С» жамоасига 0:3 ҳисобида мағлубият



Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 6-9 декабрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврининг ўрталарига бориб вақти-вақти билан

ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 1 даража совуқ, 4 даража илқ, кундуз кунлари эса 4-9 даража илқ бўлиши кутулади. Шу даврининг охирига бориб, ҳарорат бироз пайсыйиш мумкин. Кечалари 0-5 даража совуқ, кундуз кунлари 0-5 даража илқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
•
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Манзилими:

700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълолар: 133-40-48,
136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.